

## **КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИНИ КРЕДИТЛАШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**Холбоев Абдулазиз**

*Тошкент Кимё халқаро университети магистранти,*

*e-почта: xolboyevabdulaziz993@gmail.com*

**Аннотация:** Ушбу тезисда кичик бизнес субъектларининг иқтисодиётда тутган ўрни, уларни кредитлаш механизмини такомиллаштиришнинг зарурлиги асослаб берилган. Мамлакатимизда кичик бизнес субъектларни кредитлашда банклар рақамли кредитлаш платформаларини ривожлантириши ва улардан самарали фойдаланиши учун кичик бизнес субъектларини молиявий саводхонлиги ошириш таклиф қилинганд.

**Калит сўзлар:** кичик бизнес, кредит, кредитлаш механизми, кредитлаш платформаси, молиявий саводхонлик.

**Аннотация:** В данной тезисе обоснована роль субъектов малого предпринимательства в экономике, необходимость совершенствования их механизма кредитования. Было предложено повысить финансовую грамотность субъектов малого предпринимательства, чтобы банки могли развивать платформы цифрового кредитования и эффективно использовать их при кредитовании субъектов малого предпринимательства в нашей стране.

**Ключевые слова:** малый бизнес, кредит, механизм кредитования, кредитная платформа, финансовая грамотность.

**Abstract:** In this thesis, the role of small business entities in the economy, the need to improve their lending mechanism is justified. It was proposed to increase the financial literacy of small business entities so that banks can develop digital lending platforms and use them effectively in lending to small business entities in our country.

**Key words:** small business, credit, lending mechanism, lending platform, financial literacy.

Бугунги қунда мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривижланишини таъминлашда кичик бизнес субъектлари муҳим рол ўйнайди. Экспортни ҳажмини ошириш, инновацияларни кенг қўламда жорий қилиш, янги иш ўринларини яратиш, давлат бюджетига солиқ тушумларини кўпайтириш, ялпи ички маҳсулотни ўсиши ва охир оқибат аҳоли турмуш даражасини оширишда динамик равишида ривожланаётган кичик бизнес субъектларининг ўрни муҳим саналади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда кичик бизнес субъектларини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилиб келинмоқда. Айниқса, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат ресурслари ҳисобидан имтиёзли кредитлаш механизми йўлга қўйилган.

Ўзбекистон Республикасида кичик бизнесни ривожлантириш учун амалга оширилган ислоҳотларга қарамасдан, уларни кредитлаш механизмини янада такомиллаштириш зарурати долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Чунки кичик бизнес субъектлари кўплаб тўсиқларга дуч келмоқда, жумладан, молиявий ресурслар чекланган, уларга эришиш мураккабдир. Ўзбекистонда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга қаратилган қатор дастурлар ва ташабbusлар мавжуд бўлса-да, кредитлаш механизмларини такомиллаштириш ҳали ҳам ўз ечимини топгани йўқ. Янгина молиявий ёрдам кўрсатиш усулларини ишлаб чиқиши орқали кичик бизнесни янада самарали қўллаб-қувватлаш лозим.

Мамлакатимизда «Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш» комплекс дастури қабул қилинган бўлиб, уни 2023 — 2026 йилларда амалга ошириш учун давлат маблағлари ҳисобидан 6 триллион сўм ва халқаро молия институтларининг 1,2 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги маблағлари йўналтириш белгиланган. Куйидаги кичик бизнес субъектлари «Кичик бизнесга қўмаклашиш маркази» МЧЖга онлайн ариза юбориш орқали Дастурда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади:

камида бир йил мобайнида фаолият юритаётган якка тартибдаги тадбиркорлар, дехқон хўжаликлари, ўзини ўзи банд қилган шахслар, ҳунармандлар,

касаначилар, нодавлат таълим ташкилотлари, уч ва ундан ортиқ кишини доимий иш билан таъминлаётган кичик тадбиркорлик субъектлари;

оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида ўз бизнес лойиҳаларини муваффақиятли амалга ошириб, ижобий кредит тарихига эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар [1].

Мамлакатимизда кичик бизнес субъектларини кредитлаш механизмини такомиллаштириш мақсадида рақамли кредитлаш платформаларини ривожлантириш лозим. Бу уларга тез ва осон кредит олиш имкониятини беради, улар масофадан туриб кредитни осон олиши мумкин бўлади. Шу билан бирга, тижорат банклари кредит бериш жараёнини автоматлаштириш натижасида операцион харажатларини камайтириш имкониятига эга бўладилар. Ўзбекистонлик олим Т.Аслановнинг фикрича, “Финтех технологиялари ва рақамли кредитлаш платформалари кичик бизнеснинг ўсишига ёрдам беради. Ушбу технологиялар кичик бизнес субъектлари учун тезкор кредит олиш имкониятларини яратади, кредитлаш жараёнини автоматлаштиради ва банклар учун маълумотлар таҳлилини соддалаштиради. Рақамли платформалар, айниқса, янги бошловчи тадбиркорларга кредит олишни соддалаштиради ва улар учун молиявий имкониятларни кенгайтиради” [2].

Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш учун финтех технологияларини татбиқ этиш уларнинг молиявий ҳолатини таҳлил қилиш ва хавф профилини аниқлашга ёрдам беради. Бу кредит бериш жараёнини соддалаштиради ва тезлаштиради. Аммо инсонларда бунга нисбатан молиявий саводхонлик етарли бўлиши керак, акс ҳолда улар кредит олиш жараёнини тўлиқ тушунмайдилар ёки молиявий режалаштиришни тўғри амалга ошира олишмайди. Бу каби муаммолар бўлиши табиий ҳол, шунинг учун кичик бизнес эгалари ва менеджерлари учун молиявий масалалар бўйича тренинглар ташкил этилиши зарур.

Курбанов молиявий саводхонликни оширишнинг иқтисодий аҳамиятини тушунтиради. У кичик бизнес эгалари учун молиявий қарорлар қабул қилишда

муҳим восита сифатида молиявий саводхонликни кўрсатади. Унинг фикрига кўра, молиявий саводхонликни ошириш кичик бизнесга ўз бизнесларини самарали бошқариш имконини беради [3]. Кичик бизнесларни қўллаб-қувватлаш, улар учун арzon ва қулай кредитлар тақдим этиш, шунингдек, молиявий саводхонликни ошириш орқали, иқтисодиётда барқарор ўсишни таъминлаш мумкин. [4]

Ривожланган мамлакатлар, хусусан, АҚШ ва Европа мамлакатларида кичик бизнесга кредит беришда давлат томонидан тақдим этиладиган кафолатлар ва субсидиялар кенг қўлланилади. Шунингдек, улар онлайн кредитлаш платформаларини жорий этишда илғор тажрибага эга. Хитойнинг ҳам микрокредитлаш тизими кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун асосий воситаларидан бири ҳисобланади. Кичик бизнесга арzon ва қисқа муддатли микрокредитлар тақдим этилади, бу эса бизнеснинг ўсишига ёрдам беради.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда кичик бизнес субъектларини кредитлаш механизмини такомиллаштириш иқтисодиётнинг ўсишига катта ҳисса кўшади. Бунинг учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- тижорат банклари кичик бизнесни рақамли кредитлаш платформаларини ривожлантириш лозим. Бу кичик бизнес субъектларига тез ва осон кредит олиш имконини беради, тижорат банкларига эса операцион харажатларни камайтириб, уларнинг самарадорлигини оширади.

- кичик бизнес субъектлари кредит олишда замонавий рақамли молия технологияридан фойдаланиши ва олинган кредитларни самарали ишлатиши учун уларнинг молиявий саводхонлигини ошириш лозим. Буни тижорат банклари ўzlари онлайн ташкил этишса, самарали бўлади. Энг муҳими улар ўzlарига молиявий саводга эга бўлган мижоз яратадилар.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 14 сентябрдаги “Кичик бизнесни ривожлантиришни молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чоратадбирлари тўғрисида” ПҚ-306-сон қарори. <https://lex.uz/ru/docs/6609110>
2. Асланов, Т. (2022). "Молиявий саводхонлик ва унинг кичик бизнесга таъсири". Journal of Economic Research, 12(3), 45-59.
3. **Kurbanov, Sh. (2020).** "Kichik biznes va moliyaviy savodxonlik: Amaliy yondashuv". Tashkent: Tashkent State University.
4. Расулов, С. (2021). "Кичик бизнес субектларига молиявий ёрдам ва кредитлаш механизмларини такомиллаштириш: Тажрибалар ва янги йўналишлар"